

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА МАЛИКА МУХАММАДОВНА**

**МЕДИАДИСКУРС ЯНГИЛИКЛАРИДА КОММУНИКАТИВ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ВА  
РОССИЯ БОСМА ВА ТАРМОҚ НАШРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Ахмедова Малика Мухаммадовна**

Медиадискурс янгиликларида коммуникатив технологияларнинг хусусиятлари  
(Ўзбекистон ва Россия босма ва тармоқ нашрлари мисолида)..... 3

**Ахмедова Малика Мухаммадовна**

Особенности коммуникативных технологий в медиадискурсе новостей (на  
примере печатных и сетевых изданий Узбекистана и России) ..... 25

**Akhmedova Malika Mukhammadovna**

Peculiarities of communication technologies in the news of media discourse (on the  
example of print and network editions of Uzbekistan and Russia)..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА МАЛИКА МУХАММАДОВНА**

**МЕДИАДИСКУРС ЯНГИЛИКЛАРИДА КОММУНИКАТИВ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ВА  
РОССИЯ БОСМА ВА ТАРМОҚ НАШРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1.PhD/Fil283 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzjoku.uz](http://www.uzjoku.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муминова Патима Иззатуллаевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматова Якутхон Муҳаммаджоновна**  
филология фанлари доктори, профессор в.б.

**Халилова Азиза Шамухутовна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Етакчи ташкилот:**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри. Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри. Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А.Мўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Н.Ф.Муратова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент

**Қ.Т. Ирназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Замонавий жаҳон медиасоҳасида янгиликлар муҳим ўрин тутди, сиёсатчилар ва жамоатчиликнинг фикри кўп жиҳатдан ахборот контенти ва уни узатиш шакли билан белгиланади. Босма ва интернет нашрлар аудитория билан медиадискурсида ҳам локал, ҳам глобал миқёсда энг янги коммуникатив методлар ва технологияларни қўлламоқда.

Жаҳонда XX аср охири ва XXI аср бошидан кўплаб гуманитар ва ижтимоий фанлар янгича ёндашув билан ривожлана борди, уларнинг диққат марказида интернет даври одами ва электрон медиа бўлди. Медиа соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлардаги мазкур ёндашув янги илмий йўналишлар, жумладан, электрон типдаги когнитивистиканинг шаклланишини белгилаб берди. Натижада, тадқиқотчиларнинг медиани дискурсининг муҳим объекти сифатида ажратишига, оммавий ахборот воситалари тили дискурсив тил сифатида тавсифланишига сабаб бўлди. Когнитивистика ва дискурсив таҳлилга мурожаат босма ва электрон газеталар учун материалларни тайёрлаш ва уларнинг ўқувчига бевосита таъсир этишда ментал жараёнларни атрофлича тадқиқ қилиш заруратини кўрсатди.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, улар материалларнинг мавзу ва услубидан ташқари, мақолаларнинг лисоний беагани ҳам белгилаб бермоқда. Интернет-сайтлар аудиторияси хилма-хил бўлиб, босма ОАВ аудиториясидан бир неча баробар кўп. Таъкидлаш жоизки, медиа матнларни ўрганишда ёндашувлар ўзгариб, замонавий изланишларда янгиликлар дискурсининг когнитив хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, электрон оммавий ахборот воситаларининг дискурсив амалиётини ўрганишнинг аҳамиятини асослаб беради.

Ўзбекистонда телекоммуникация технологияларининг жадал ривожланиши электрон ОАВ сони ортишига замин яратди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагича фикр билдирди: «Рақамли технологиялар даврида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари соҳасини, шунингдек, мамлакатнинг барча ижтимоий-сиёсий институтларини янгилаш жараёни кечмоқда».<sup>1</sup> «Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир»<sup>2</sup>.

Аввал босма матбуот асосида шаклланган янгиликлар дискурси назариясининг янги босқичига, ноодатий ахборот сайтларининг жадал суратда ривожланиши сабаб бўлди ва дискурсининг аслий характеристикаларини қайта кўриб чиқишга, шунингдек, мазкур ўзгаришлар хабар адресатини, коммуникация канали, унинг контексти, бундан ташқари, янги типдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги (26.06.2021) <https://yuz.uz/ru/news/-matbuot-va-ommaviy-axborot-vositalari-xodimlariga>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги (27.06.2022) <https://yuz.uz/news/matbuot-va-ommaviy-axborot-vositalari-xodimlariga>

коммуникатив муҳит тил структураларининг ташкил этилишига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Буларнинг бари, ўз навбатида, илмий-методологик нуқтаи назардан ҳам босма, ҳам онлайн янгиликлар матнининг ички ҳолатига таъсир этувчи коммуникатив жараёнларга мутлақо янги ёндашувларни тақозо этади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги (янги тахрирдаги) 78-сон «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, 1997 йил 24 апрелдаги 402-І-сонли «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 27 июндаги 294-сон «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш» тўғрисидаги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётини ривожлантириш» дастури йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материалларнинг услуби ва лингвистикаси билан боғлиқ умумий назария ривожига кўплаб Ўзбекистонлик олимлар ҳисса қўшган, жумладан О.У.Абдуазимов, Ж.Н.Азимов, Г.Х.Бакиева, Х.Н.Дўстмухамедов, Қ.Т.Ирназаров, Н.Ф.Каримов, Ш.Т.Қудратхўджаев, Ф.А.Мўминов, П.И.Муминова, Ё.М.Маматова, А.Ж.Матёкубов, Н.Ф.Муратова, Д.Рашидова, Д.М.Тешабаева, Н.К.Тошпўлатова, М.Худойқулов, Ю.Қ.Ҳамдамов ва бошқалар.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup>Қаранг.: Абдуазимов О.У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги: Социол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2007; Азимов Ж.Н. СМИ в Интернет и освещение законодательной деятельности интернет-журналистикой. Метод. пособие. – Т., 2006; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Медиаконда матн (Монография). – Т.: «Turon-Iqbol», 2019; Дўстмухаммад Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Глобаллашув даври ва ахборот макони // Ўзбекистон матбуоти, 2007. – № 3. – Б. 12-14; Маматова Ё.М., СМИ, правопорядок и безопасность: служение демократии в Узбекистане: Учебное пособие-Т.:»Mehriddaryo», 2019; Интернет журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир Ф.А. Мўминов. – Т.: MRS-Tashkent, 2005; Муратова Н.Ф. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т.: НУУз, 2011; Рашидова Д. Особенности формирования Интернетовской журналистики и специфика Интернет в качестве глобального СМИ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: НИИУз, 2002; Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Қудратхўжаев Ш.Т. Журналист фаолиятида Интернетдан

Ушбу тадқиқотни турли жихатлари Европа давлатларининг мутахассислари S.Goldman, R.Rada, D.G.Gilbert, J.A.Kahl, Dijk van, A. Teun<sup>4</sup> томонидан тадқиқ қилинган. Улар томонидан коммуникатив технологиялари медиадискурсининг умумий назарий асослари базаси ишлаб чиқилган. M.Bednarekнинг «Evaluation in Media Discourse: Analysis of a newspaper corpus»<sup>5</sup> илмий иши медиадискурс масалалари бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Янгилик матнини яратиш ва журналист маҳорати масалаларини кўплаб МДХ давлатлари тадқиқотчилари, жумладан Н.Д.Арутюнова, А.Н.Баранов, Р.А.Будагов, Е.Л.Вартанова, Ю.С.Воротникова, В.В.Ворошилов, И.Р.Гальперин, Т.Г.Добросклонская, Т.М.Дридзе, Т.С.Дроняева, Н.И.Клушина, М.Н.Кожина, Е.С.Кубрякова, А.В.Колесниченко, М.Н.Ким, О.Р.Лащук, Г.В.Лазутина, О.Л.Михалёва, Г.С.Мельник, Г.Г.Почепцов, Г.Я.Солганик, А.А.Тертычный<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ушбу диссертациянинг назарий асосини ташкил этадиган газеталар ва интернетдаги янгиликлар материалининг коммуникатив моделлари, коммуникатив йўналганлиги Т.ван Дейк, С.Почепцов, В.Федорова, В.И.Коньков, В.Демьянков, Л.В.Салмина, Д.С.Соломон, В.Кардитто<sup>7</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Нутқий таъсир, журналист-муаллифларнинг стратегияси ва тактикасини ўз ичига олган янгиликлар дискурси умумий назарияси контекстида коммуникатив

---

фойдаланиш. Услубий қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 2011; Худойкулов М. Теория средств массовой информации. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: Университет, 1999; Ҳамдамов Ю.Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари (назарий категориялар эволюцияси). Монография. –Т.: Kaleon press, 2021. -160 б

<sup>4</sup> Goldman S. Cognitive aspects of electronic text processing. In: N. van Oostendorp & S. de Mul (Eds.), Norwood, NJ: ABLEX, 1996. Rada R. Hypertext: From Text to Expertext. UK: McGraw-Hill Book Company Ltd, 1992, Gilbert D.G., Kahl J.A. The American Class Structure: A New Synthesis. -Homewood: The Dorsey Press, 1982., Dijk van, Teun A. The Analysis of News as Discourse // Dijk van, Teun A. News Analysis. Case Studies of International and National News in the Press. Hillsdale, New Jersey, 1988

<sup>5</sup> Bednarek M. Evaluation in Media Discourse: Analysis of a newspaper corpus. London: Continuum, 2006.

<sup>6</sup> Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений (Оценка, событие, факт). М.: Наука, 1988 Арутюнова Н. Д. Предложение и его смысл: логико-семантические проблемы. — 3-е изд., стер. — М.: Едиториал УРСС, 2003; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – 2-е изд., испр. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1999; Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику: Учебное пособие. – М.: Едиториал УРСС, 2001; Баранов А. Н. Что нас убеждает?: (Речевое воздействие и обществ. сознание). — М.: Знание, 1990; Будагов Р.А Слово и его значение. —2-е изд. 2003; Вартанова Е.Л. Теория медиа: отечественный дискурс. Изд-во Моск. ун-та, 2019.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. — М.: Наука, 1981; Дридзе Т. М. Текстовая деятельность в структуре социальной коммуникации. Проблемы семиосоциопсихологии. — М.: Издательство «Наука», 1984; Дроняева Т.С. Информационный подстиль// Язык средств массовой информации/ под ред. М. Н. Володиной. — М., 2008; Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. 7-е издание. – М.: Изд-во КноРус, 2014; Мельник Г. С., Виноградова К. Е. Лисеев Р. П. Основы творческой деятельности журналиста. Конспект лекций и практикум. – СПб., 2013; Колесниченко А.В. Прикладная журналистика. Учебное пособие. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2008; Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. Монография. – М.,2001; Кройчик Л.Е., Виноградова С.М., Лазутина Г.В., Лозовский Б.Н., Мисонжников Б.Я., Михайлов С.А., Орлова Т.Д. Основы творческой деятельности журналиста. Учебник для студентов высших учебных заведений. – Санкт-Петербург, 2000., Солганик Г.Я. О языке и стиле газеты //Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч.2. – М., 2003; Солганик Г.Я. Стилистика текста: Учеб. Пособие. М.: Флинта; Наука, 2000., Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пособие. – М.: Изд-во Захаров, 2006;

<sup>7</sup> Демьянков В.З. Эффективность аргументации как речевого воздействия // Проблемы эффективности речевой коммуникации. — М, 1989; Solomon D.S., Carditto В.Л. The Elements and Process of Communication Campaigns // Discourses and Communication. — Berlin etc., 1985.

технологиялар муаммосининг айрим томонлари даврий матбуот ва интернет янгиликлар дискурси мисолида О.Л.Михалева, Н.И.Клушина, Е.В.Двойнина, В.И.Коньков ва бошқалар<sup>8</sup> томонидан ўрганилган.

Янгиликларни дискурс ва дискурсив фаолият сифатида таҳлил қилмасдан бу соҳадаги замонавий тадқиқотларни тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур диссертацияда қўлланилган «дискурс» тушунчасига Т.ван Дейк, Н.Д.Арутюнова, К.С.Кубрякова, О.Л.Михалева, Н.И.Клушина<sup>9</sup> каби олимларнинг ишлари асосида таъриф берилган.

Кейинги йилларда мазкур феноменни ўрганаётган психолог ва тилшунослар эътиборини ОАВ таъсири муаммосидан ташқари манипуляция, яъни оммавий коммуникация ва ахборот соҳасида реципиентларнинг фикрлари, руҳий ҳолатини ўзгартиришга қаратилган яширин таъсир этиш муаммоси тобора кўп жалб қилмоқда. Биз тадқиқ этаётган муаммонинг ушбу жихатлари олимлар Ю.А.Ермаков, Е.Л.Доценко, С.Г.Кара-Мурза, Н.И.Клушина ва бошқалар томонидан ўрганилган.<sup>10</sup>

Мазкур муаммо биз танлаган диссертация мавзуси контекстида ҳозиргача мажмуавий, яхлит тарзда Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари» истиқболли мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янгиликлар материалининг коммуникатив технологиялари, уларнинг лингвистик хусусиятларини босма ва электрон янгиликлар медиадискурсини ташкил этиш усулларини, уларнинг фаолиятини Ўзбекистон ва Россия босма ва тармоқ нашрлари мисолида очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

босма ОАВ ва уларнинг интернет-версияларидаги янгиликларда коммуникатив технологиялар тушунчасини таърифлаш;

Интернет тармоғи ва даврий матбуотда янгилик медиадискурси фаолиятининг хусусиятларини аниқлаш ва тавсифлаш;

---

<sup>8</sup> Михалева О.Л. Политический дискурс. Специфика манипуляционного воздействия. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009; Клушина Н.И. Стилистика публицистического текста. – М.: МГУ, 2008; Двойнина Е.В. Речевая манипуляция в интернет-дискурсе (на материале русско- и англоязычных новостных сайтов). – Саратов, 2010; Коньков В.И. Речевые технологии в массовой коммуникации. Часть 1. – СПб.: С.-Петербург. гос. ун-т, ин-т «Высш. шк. журн. и мас. коммуникаций», 2015.

<sup>9</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира./Рос. академия наук. Ин-т языкознания. – М.: Языки славянской культуры, 2004; Клушина Н.И. Интенциональные категории публицистического текста (на материале периодических изданий 2000 - 2008 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. – М., 2008.

<sup>10</sup>Ермаков Ю. А. Манипуляция личностью: Смысл, приемы, последствия. — Екатеринбург: Изд-во Урал, ун-та, 1995. — 208 с.; Доценко М. Л. Психология манипуляции. М.: Рефал-бук, 2001. – 308 с.; Кара-Мурза С.Г. Краткий курс манипуляции сознанием. М.: Издательство Эксмо, 2003;

газета ва тармоқли нашрлар янгилик дискурсининг коммуникатив технологияларини тадқиқ қилиш ва уларни қиёслаш;

Ўзбекистон ва Россия газеталари ва уларнинг интернет-версияларида янгилик дискурсининг лингвистик-услубий жиҳатларини аниқлаш;

янгиликлар медиадискурсида манипулятив таъсирни коммуникатив технология тури сифатида тавсифлаш;

янгиликлар медиадискурсида экспрессив коммуникация методини таҳлил қилиш;

коммуникатив муваффақиятсизликларни бартараф қилиш йўлларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Ўзбекистон ва Россия даврий ва тармоқли нашрлари, айнан «Народное слово», «Правда Востока», «Российская газета», «Известия» газеталари, шунингдек, уларнинг электрон версиялари: [www.xz.uz](http://www.xz.uz), [www.yuz.uz](http://www.yuz.uz), [www.rg.ru](http://www.rg.ru), [www.iz.ru](http://www.iz.ru). да янгиликлар медиадискурси.

**Тадқиқотнинг предмети** – Ўзбекистон ва Россия даврий ва тармоқли нашрларида янгиликлар медиадискурси коммуникатив технологиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари** комплекс характерга эга, диссертацияда қиёсий таҳлил, контекстуал-интерпретацион таҳлил, анкета-сўровнома, дискурсив ва контент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Россия ва Ўзбекистон (рус тилидаги) нашрлардаги журналистик материалларда лингвистик, стилистик ва бошқа хатолар кўпроқ лисоний кесимда учраши, ибораларнинг жаргон, шаблон шаклида берилиши медиа мулоқотда муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин бўлган нотўғри нутқ стратегияларидан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилганлиги аниқланган;

журналистик фаолиятда янгиликлар материалларини тайёрлашнинг муаллифлик модаллиги ва ОАВнинг бош стратегияси ва манипулятив таъсирнинг намоён бўлиш шакли сифатида адресатга ишонтириш технологияси ёрдамида таъсир ўтказиш усулларидан мақсадли фойдаланиш зарурати асослаб берилган;

босма ва онлайн нашрларнинг янгиликлар матнлари медиадискурсни ташкил этиши исботланиб, унинг коммуникатив технологик тушунчаси ишлаб чиқилган ва у ўз ичига лингвистик таъсир усулларини ва журналистлар танлаган коммуникацион стратегия ҳамда тактикалар билан боғлиқ когнитив тузилмаларини қамраб олиши далилланган;

Ўзбекистон ва Россия оммавий ахборот воситаларида босма ва онлайн матнлар ўртасидаги сарлавҳа комплекси коммуникатив фарқлардан иборат ишонтиришнинг асосий глобал стратегияси доирасидаги тактикалар, муаллифнинг субъектив модаллиги, баҳолаш ва бошқа экспрессив ҳамда лингвистик-стилистик воситаларидан фойдаланишга тааллуқли эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Россия босма ва электрон ОАВда коммуникатив технологиялардан фойдаланиш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

Янгиликларни тайёрлашнинг лисоний мезонлари билан боғлиқ тавсиялар берилди, янгиликлар материалларининг тили ва услубини яхшилаш, Ўзбекистон ва Россия босма нашрлари ва онлайн газеталарда лингвистик ўзига хосликлардан фойдаланишга оид тадқиқот натижалари бўлимиш материалларни коммуникаив технологиялар лингвистикаси нуқтаи назаридан муҳокама қилиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Мазкур тавсия ва таклифлар тегишли олий таълим муассасалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, луғатлар яратишда манба бўлиб хизмат қилади;

Портал учун янгиликларни ёзиш, хусусан, босма ва электрон нашр учун сарлавҳа танлаш ва сарлавҳа комплексини шакллантириш, интернет портал журналистлари учун ишонтириш тактика ва стратегияларидан фойдаланиш юзасидан ишланмалар таклиф этилди;

Янгилик материални ёзишда журналистлар учун муаллифлик модаллигидан фойдаланиш усул ва воситалари, адресатга аниқ лингвистик воситаларни қўллаган ҳолда муайян тил даражасида ҳамда коммуникатив хатоларни бартараф этиш бўйича стратегиялардан фойдаланган тарзда дискурсив даражада таъсир кўрсатиш бўйича тавсиялар берилди;

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети бакалавр талабалари учун «Медиасаводхонлик ва фактчекинг», «Журналистика ва оммавий коммуникация асослари», «ОАВ психологияси» фанларидан маъруза матнлари, тақдимот ва видеоматериаллар тайёрланди, улардан маъруза ва семинар машғулотларида, ОАВнинг коммуникатив технологияларига бағишланган анжуман ва давра суҳбатларида чиқишларда фойдаланиляпти.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фундаментал илмий ва методологик махсус адабиётларга таянилгани, ишда асосланган тушунчалардан фойдаланилгани, аввал олинган илмий натижалар ҳар томонлама таҳлил қилингани билан тавсифланади. Шунингдек, янги ғоялар қўйилган вазифаларнинг изчил таҳлил, мантиқ қонунларига, миллий ва Россия ОАВ журналистик материал таҳлиliga асосланган хулосалар, илмий методлар қўллангани, ОАВ назарияси ва амалиётини билиш асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти журналист маҳорати, медиаматнларнинг жанр хусусиятлари, нафақат ахборот узатиш, балки адресатга уни ишонтириш мақсадида маълум таъсирни амалга ошириш имконини берадиган сифатли матнлар яратиш учун лингвоуслубий воситалар соҳасида кейинги изланишлар учун назарий пойдевор яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан гуманитар йўналишдаги ОТМ ўқув жараёни, медиатаълим, матн тилшунослиги, услубшунослик ва прагмалингвистика бўйича анъанавий шаклдаги каби онлайн тартибда маъруза ва семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация қоидалари ва натижалари журналистика, сиёсатшунослик курсларида коммуникатив технологияларни адресатга максимал даражада таъсир кўрсатиш мақсадида, амалиётчи-журналистлар учун тавсияларни иллюстрациялаш, махсус курс ва семинарлар ўтказишда қўлланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янгиликлар медиаматнларини таҳлил, тавсиф, таснифлаш йўли билан олинган натижалар тадқиқотнинг турли босқичларида жорий қилинди ва қўлланди:

Россия ва Ўзбекистон (рус тилидаги) нашрлардаги журналистик материалларда лингвистик, стилистик ва бошқа хатолар кўпроқ лисоний кесимда учраши, ибораларнинг жаргон, шаблон шаклида берилиши медиа мулоқотда муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин бўлган нотўғри нутқ стратегияларидан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган таклифлар ҳамда журналистик фаолиятда янгиликлар материалларини тайёрлашнинг муаллифлик модаллиги ва ОАВнинг бош стратегияси ва манипулятив таъсирнинг намоён бўлиш шакли сифатида адресатга ишонтириш технологияси ёрдамида таъсир ўтказиш усулларидан мақсадли фойдаланиш зарурати юзасидан берилган тавсиялардан «Подробно.уз» Ахборот агентлигида ўтказилган журналистлар касбий маҳоратини ошириш курсларида услубий материал сифатида қўлланилган («Подробно.уз» Ахборот агентлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 27-сон маълумотномаси). Мазкур курслар онлайн нашрнинг янгиликлар матнини яратиш жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, контент сифатини ошириш ва ахборий жанрларда журналистлар маҳорати сайқалланишига хизмат қилган;

босма ва онлайн нашрларнинг янгиликлар матнлари медиадискурсни ташкил этиши исботланиб, унинг коммуникатив технологик тушунчаси ишлаб чиқилган ва у ўз ичига лингвистик таъсир усулларини ва журналистлар танлаган коммуникацион стратегия ҳамда тактикалар билан боғлиқ когнитив тузилмаларини қамраб олиши далилланганлигига оид хулоса ва таклифлардан «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнали ва интернет-портал ходимлари учун ўтказилган «Янгиликлар ёзишда замонавий ёндашувлар» мавзусидаги семинарнинг материалларини яратишда фойдаланилган («Ўзбекистонда хорижий тиллар» интернет-портали ва илмий-методик электрон журналининг 2020 йил 10 декабрдаги 38-сон маълумотномаси);

Ўзбекистон ва Россия оммавий ахборот воситаларида босма ва онлайн матнлар ўртасидаги сарлавҳа комплекси коммуникатив фарқлардан иборат ишонтиришнинг асосий глобал стратегияси доирасидаги тактикалар, муаллифнинг субъектив модаллиги, баҳолаш ва бошқа экспрессив ҳамда лингвистик-стилистик воситаларидан фойдаланишга тааллуқли эканлиги хусусидаги тавсиялар «Правда Востока» нашрининг анъанавий ва электрон кўринишларини шакллантиришда фойдаланилган («Правда Востока» газетасининг 2022 йил 17 декабрдаги 03-сон маълумотномаси). Натижалар журналистлар профессионал фаолияти ва нашрнинг веб-сайтида ахборот материаллар сифатига ижобий таъсир кўрсатган, нашр янгиликларининг лисоний аппаратини бойитишга ва атамаларни эҳтиёткорлик ва юқори савия билан танлашга хизмат қилган;

диссертациянинг янгиликлар матнларининг лисоний ва лингвостилистик таҳлилига оид мисоллар, рус, узбек ва бошқа тиллардаги медиа матнлардаги коммуникатив технологиялар, муаллиф модаллиги баҳолаш ва бошқа экспрессив

хамда лингвистик-стилистик воситалар қўлланилган мисоллар ҳамда хулосалар ўрта махсус таълим муассасаларининг имконияти чекланган ўқувчилари учун Европа компетенцияларига жавоб берадиган чет тили таълим соҳасида ўқув-услубий мажмуа яратиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат техникавий дастури доирасида Ўзбекистон жаҳон тиллар университетиде бажарилган амалий илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида «Light Up Pupil's Book» қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Олий таълим вазирлиги ва ЎзДЖТУ 2021 йил 08 январдаги 12/314-сон маълумотномаси);

тадқиқотнинг интернет-нашрларда шаблонлар, канцеляризмлар, сленглар, шу билан бирга, адресатга аниқ лингвистик воситалардан маълум тил даражасида ҳамда ишонтириш стратегияларидан дискурс даражасида фойдаланиш каби коммуникатив хатоларни бартараф этишга оид мулоҳазалар Хабардор.uz интернет-нашри томонидан ижобий баҳоланди ва амалиётга татбиқ этилди (ООО «High Networks»нинг 2022 йил 20 январдаги 121-сон маълумотномаси). Тавсиялар асосида таҳририят ижодий ва техник ходимлари учун мастер-класс ташкил этилди ва йуриқнома ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 дан ортиқ, жумладан, 11 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференция ва семинарда маъруза кўринишида апробация ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 1 таси хорижий нашрда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, 8 та бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ахборот воситалари янгиликларида медиадискурс коммуникатив технологияларининг табиати**» деб номланган ва у учта параграфдан иборат бўлиб, янгиликларда медиадискурсида коммуникатив технологиялари тушунчаси, янгиликлар медиадискурсининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, анъанавий ва онлайн нашрларда янгиликлар дикурси: муштараклик ва фарқларга бағишланган.

Диссертациянинг ушбу бобида ахборот воситаларидаги медиадискурснинг коммуникатив технологияларининг илмий-назарий асоси

бўлган назарий ва эмпирик материаллар таҳлил этилган. Унда коммуникатив технологиялар ва унинг асосида таҳлил қилинган нуқтаи назарлар (позиция) асослаб берилган. Диссертацияда таъкидланганидек, ОАВ кўп сонли вазифалари орасида ахборот ва таъсир вазифалари тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ушбу бобда диссертацияда қўлланган асосий: «коммуникация», «дискурс», «матн» ва «гиперматн», «медиадискурс» ва «янгиликлар медиадискурси», «янгиликлар медиаматни», «коммуникатив технология» тушунчаларининг талқинига оид илмий адабиётларда мавжуд ёндашувлар ва талқинлар кўриб чиқилган.

Коммуникация деганда, нафақат адресант (журналист) билан адресат (ўқувчи) ўртасидаги ўзаро таъсир тушунилади, балки бу нафақат журналистик матнни тайёрлаш, муаллиф интенцияси, ахборотни кодлашни, балки уни декодлаш ва ўқувчига таъсирни ҳам ўз ичига оладиган мураккаб жараён экани исботланган. Бунда коммуникантларнинг ўзаро таъсири диссертация муаллифи томонидан ассиметрик, деб қаралади.

Диссертацияда янгиликлар матни дискурс сифатида кўриб чиқилиши Т.ван Дейк, Н.Д.Арутюнова, Е.С.Кубрякова, Н.И.Клушинанинг таърифлари асосида мулоқот вазияти, мулоқот механизми ва мулоқот натижаси каби тавсиялар муҳим бўлган янгиликлар матнлари битта матн йиғиндисида жамланган коммуникатив жараён сифатидаги дискурс тушунчаси шакллантирилган. Бу маънода коммуникация янгиликлар медиаматнини – уларни ишлаб чиқариш жараёни ва ўқувчи томонидан ўқилиши ва сўнгги таъсир нуқтаи назаридан ўрганиладиган янгиликлар матнлари йиғиндисини дискурсив тушунишга мос келиши баён этилган.

Диссертацияда, шунингдек, матн ва дискурс нисбати ҳақидаги масала ҳам ўрганилган. Бир қанча олимлар қарашлари ўрганилиб, Н.И.Клушина томонидан берилган таърифни қўллаган холда, муаллифнинг таъкидлашича, матн, аввало, коммуникатив-услубий жиҳатдан, яъни коммуникация маҳсули сифатида қаралиши баён этилган. Коммуникатив-услубий нуқтаи назардан матнда муаллифлик ғоясининг ўқувчига маълум, режалаштирилган таъсирни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Матнни бу каби қарашда ўрганишда унинг коммуникатив тавсифлари биринчи планга чиқади: мақсадга йўналганлик, матн коммуникатив йўналтирилган асар сифатида; адресантлик, муайян ўқувчига йўналтирилганлик; интенционаллик – муаллиф ғоясининг амалга оширилиши<sup>11</sup>.

Диссертантнинг фикрича, замонавий амалиётда *янгиликлар медиадискурси* коммуникатив технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. *Коммуникатив технологиялар* деганда, режалаштирилган натижага эришишнинг махсус яратилган воситалари тушунилади. Илмий адабиётларда коммуникатив технологиялар иккита турга ажратилган: 1. Нутқий таъсир. 2. Когнитив лингвистика ҳамда коммуникацияда стратегия ва тактикани белгилаш билан

---

<sup>11</sup> Клушина Н.И. Интенциональные категории публицистического текста (на материале периодических изданий 2000 - 2008 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. – М., 2008. – С. 16.

боғлиқ технологиялар. Ушбу технологиялар диссертациянинг мазкур бобида таҳлил қилиниб, у илмий адабиётларда, ОАВ таъсир этиш (экспрессивлик) вазифаси билан бевосита боғлиқ ва журналистик матнларда ундов модаллиги, баҳолаш ва диалогиклик туфайли амалга оширилиши асослантилган.

Муаллиф олимларнинг илмий адабиётларда келтирилган турли нуқтаи назарларини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг коммуникатив технологияларга нисбатан асосий умумий хулосаларига таяниб, ўз таърифини келтирган. Муаллифнинг фикрича, *матбуот ва тармоқли нашрларда янгиликлар медиадискурси коммуникатив технологиялари деганда, ўз ичига ахборот ва таъсир вазифаларини оладиган когнитив-лингвистик ва нутқий таъсир усуллар мажмуини тушуниш керак. Қолаверса, когнитив-лингвистик ва нутқий таъсир технологияларнинг янгиликлар медиадискурсида қўлланиладиган воситаси тил, нутқий таъсирнинг асосий усули эса ишонтириш, унга хос стратегия ва тактика усуллари билан бирга ҳисобланади.*

Диссертацияда янгиликлар медиадискурсининг жанр хилма-хиллиги ва уларнинг олимлар томондан (Г.С.Мельник, К.Е.Виноградова, Р.П.Лисеев, А.В.Колесниченко) таснифланиши, шунингдек, «янгилик» тушунчаси ҳақида гап боради.

Диссертант бир қатор муаллифлар (Т.Г.Добросклонская, Л.Е.Кройчик ва бошқалар)нинг: янгиликларга оид фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда, шунингдек, ушбу диссертацияда тадқиқ этилаётган газеталар амалиёти таҳлилига асосан янгиликлар қатъий технологик схемалар бўйича, максимал аниқ ва мантиқий услубда ёзилишини ҳамда янгиликлар матни муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимояланмаслигини, чунки улар ҳеч кимга тегишли эмаслиги, шу билан бирга, уларда беллеристикага йўл қўймайдиган ўзига хос услуб қўлланишини ёритган. Босма янгиликлар дискурси тузилмаси учун қуйидаги тавсифлар муҳимлигини таъкидлаш зарурлигига: олам ҳақида умумий билимлар ва матн тузилмаси ҳақида билимларнинг адресатда мавжудлиги, шунингдек, матнда семантик боғлиқлик даражасига урғу берилган.

Матн структурасини билиш – матн куришнинг жанрга хос қоидаларини билиш. Матбуотда янгиликлар медиадискурсини ташкил қилишда нафақат одатий матнни ўқишда юзага келадиган чекланишлар, балки унинг паралингвистик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак<sup>12</sup>. Муаллиф томонидан «Правда Востока», «Вечерний Ташкент» газеталарига 2019 йилда обуна бўлган ўқувчиларнинг 100 нафари билан ўтказилган анкета-сўровномаси натижаларига кўра: «Правда Востока» обуначиларининг 60% - ҳамма вақт фақат мақолаларни кўздан кечиради, 40% -эса матндаги ҳар бир гапни ўйлаб-фикрлаб ўқийди; «Вечерний Ташкент» газетаси ўқувчиларининг 55%-ни мақолаларни кўздан кечиради, 35% – матиндаги ҳар бир гапни ўйлаб-фикрлаб ўқийди ва атиги 10% ни – матн сарлавҳаларига кўз югуртириб чиқади<sup>13</sup>.

<sup>12</sup>Goldman S. Cognitive aspects of electronic text processing. In: H. van Oostendorp & S. de Mul (Eds.), Norwood, NJ: ALEX, 1996.

<sup>13</sup> Қаранг.: 2-илова, диссертант экспресс-сўрови маълумотлари.

Диссертацияда интернет бугунги кунда замонавий глобал медиаконни ташкил этаётгани, уни интернет тармоғидаги янгиликларга оид ахборотлар мисолида кўриш мумкинлиги баён этилган, ҳамда мисол сифатида, Сирдарё вилоятидаги сув тошқини, Бухородаги ҳодисалар, «милиция видеоси», карантин қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ва бошқа ахборотлар кўрсатиб ўтилган. Глобал ўзгаришларнинг асосий моҳияти шундаки, бугун коммуникация канали сифатида интернет олдида нафақат Ўзбекистон, балки хорижий, жумладан, Россия газеталарининг босма версиялари ўз мавқеини бой бермоқда. Москвада, масалан, 2010 йил баҳорида «Газета» (gzt.ru) нашрининг анъанавий кўриниши ёпилган, эндиликда у фақат Тармоқда мавжудлиги айтиб ўтилган<sup>14</sup>.

Муаллифнинг кузатишларига кўра, аҳолининг бир қисми ҳали ҳам газеталарнинг босма кўринишини хуш кўради, улардан самарали фойдаланяпти ва уларни чоп этиш ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Айниқса, бу пандемия сабабли карантин шароитида бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда, айниқса вилоятларда (қишлоқлар, маҳаллаларда) газеталарнинг босма версияларига эҳтиёж зарур бўлгани кузатилган. Диссертант томондан пандемия муносабати билан карантин даврида ўтказган интернет-сўровнома натижалари кўрсатдики, респондентларнинг 47%-и газеталарнинг босма версияларини чоп қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Таҳлиллар асосида диссертант дискурсив фаолиятнинг анъанавий қоғоз ва электрон форматлари ўртасида қатор фарқлар мавжудлигини аниқлади, улар:

1. Онлайн-версияларда интернет имкониятлари ва гиперҳаволалар туфайли матн билан ҳам юзаки, ҳам тобора чуқур танишиш имконияти мавжуд. Онлайн-версияда ўқувчи нафақат ўзини қизиқтирган мавзу бўйича кенгайтирилган ахборот олиши, балки ўз фикрини ифода этиш имкониятига ҳам эга.

2. Янгиликлар электрон дискурси нафақат интернет-газета саҳифаларида чоп қилинган янгиликларга оид мақолалар, балки глобал тармоқда твиттер-технология ва янгиликлар СМС-тарқатмаси ёрдамида жойлаштирилган янгиликларни ўз ичига олган олий тартибдаги ҳодиса сифатида гавдаланади.

Диссертацияда тадқиқ этилаётган Ўзбекистоннинг «Народное слово», «Правда Востока» нашрлари, Россиянинг «Российская газета», «Известия» газеталари анъанавий ва шу билан бирга, онлайн-версияга эга нашрлар сирасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Муаллифнинг кузатишича, янгиликлар сайтлари босма нашрларнинг интернет тармоғидаги нусхаси эмаслиги, улар оммавий ахборот тақдим қилишнинг алоҳида шаклини ташкил этиши ҳамда Интернет газеталарнинг анъанавийларидан аниқ фарқ қиладиган хусусиятлари мавжудлиги изоҳланган. Диссертантни фикрича, улар куйидагилардан иборат: 1. Мақолаларни муҳокама қилиш учун форумлар. 2. Ҳам матн, ҳам мультимедиа (аудио, видео, анимация) вариантыдаги қўшимча материалларга ҳаволалар мавжудлиги. 3. Ўқувчиларнинг бир-бири билан мулоқот қилиши учун шарҳли, муҳокамали чатлар. 4. Мақола муаллифи билан алоқа қилиш имконияти, сонни (нашрни) тайёрлаганларнинг

---

<sup>14</sup>Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А.Г. Качкаевой. – М., 2010. – С. 6.

биографик маълумотларига кириш. 5. Янгиликларнинг кунига камида 4 марта янгиланиши (кузатишлар кўрсатдики, янгилашлар Ўзбекистонда кўпинча эрталабдан ярим кечагача ҳар соатда, Россияда эса кечаю кундуз, шунингдек бир неча марта тезроқ амалга оширилади). 6. Ўқувчини қизиқтирадиган мавзуларга киришни осонлаштирувчи қидирув тизимлари. 7. Янгиликларга оид публикациялар архиви мавжудлиги.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ва Россия массмедиадаги янгиликлар дискурси матнларида коммуникатив технологияларнинг роли**», деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, у Ўзбекистон ва Россия босма ва электрон янгиликлари тузилмавий-лингвистик хусусиятлари таҳлиliga ва ОАВ тили ва услубининг ўзига хосликларига бағишланган.

Диссертациянинг ушбу бобида Россия («Российская газета», «Известия») ва Ўзбекистон («Народное слово», «Правда Востока») газеталари ва уларнинг электрон версияларидаги материалларида янгиликлар медиадискурсининг таҳлили асосида коммуникатив технологиялар ва лингвистик хусусиятлари янги ахборот технологиялари контекстида кўриб чиқилган ҳамда электрон янгиликлар дискурсида сарлавҳалар ва кириш (вводка) параметрлари тадқиқи акс эттирилган.

Таҳлиллар асосида муаллиф «Народное слово» ва «Правда Востока» газетаси босма версияси саҳифаларида янгиликлар жанрига марказий ўрин ажратилишини, шунингдек, муаммоли материаллар ва шарҳлар, мулоҳазалар, репортажлар каби жанрларга сезиларли ўрин берилаётганлигини, интервью ва фото ҳикояларга ҳам талаб катталигини аниқлаган.

Муаллифнинг кузатишларича, «Народное слово» газетаси интернет-версиясининг тили ва услубий хусусиятлари стандарт эканлиги аниқланган. Унинг янгиликлар дискурсидаги мақолаларида қуйидаги каби стандарт сўз ва сўз бирикмалари учраши кўрсатилган: *текущий год (жорий йил), посетил и ознакомился (ташриф буюрди ва танишди), проделанная работа (амалга оширилган ишлар), последний этап строительных работ (қурилиш ишларининг сўнгги босқичи), обсуждены вопросы (масалалари муҳокама қилинди), акцент был сделан (урғу берилди), привлечены к этому вопросу (масалага жалб қилинди), обсуждены вопросы исследований и развития (тадқиқотлар ва ривожланиш масалалари муҳокама қилинди), планируется наладить отношения (муносабатларни йўлга қўйиш режаслаштирилмоқда)* ва шу каби.

Мазкур илмий ишда диссертант «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарининг мақолалари матнларини таҳлили асосида қуйидагича таснифлаш мумкинлиги тўғрисида хулосага келган: «Народное слово» «Правда Востока» дан қуйидагилар билан фарқланади, яъни «Народное слово»да чоп этилган материалларида таъсир воситалари қаторида: 1) риторик сўроқлар; 2) кўчирма гап; 3) **а** (ўзбекча мувофиқи *хўш*) боғловчили гаплар учрайди; 4) қуйида келтирилган ибораларга ўхшаш сифат белгилари: *огромный столб (улкан устун), огненное зарево (оловли шуъла), очень приятное событие (жуда ёқимли ҳодиса)* ва бошқалар каби кўплаб жумлаларда кўзга ташланади.

Муаллиф томонидан ўрганилган нашрлардаги янгиликлар матнларида

